

# Миянинг пешона қисмини Суннати Набавийя билан даволаш



Миянинг пешона қисмини Суннати Набавийя билан даволаш

Суннат ва замонавий илм

14:47 / 04.10.2024 2282

Шояд бу илмий кашфиётлар орқали инсон миясининг пешона қисмининг ғоят муҳимлигини, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари билан дуо қилиш зарурлигини англаб етсак.

Олимлар пешонанинг орқасида жойлашган миянинг пешона соҳаси ёки миянинг олд қисми деб аталадиган ҳудуди инсонни жиноятга олиб келиши мумкин бўлган хатолар учун жавобгар эканлигини аниқладилар.

Оксфорд университети олимларининг таъкидлашича, бу ҳудуд мисол учун травма, гиёҳвандлик, спиртли ичимликлар ва қимор ўйинларига берилиш натижасида шикастланганда, қарор қабул қилиш қобилияти бузилади. Оқибатда бундай одам шошилинич равишда нотўғри қарор қабул қилиш эҳтимоли ортади ва осонлик билан жиноят содир этиши мумкин.

Демак, кичик хатолардан тортиб, жиноят содир этишгача бўлган хатоларга пешона соҳаси масъул эканини илмий факт тасдиқлайди. Қуръони Карим бу ҳақиқатга кўп асрлардан бери ишора қилиб келади.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:


# هَتَنِي مِّل نِيْل اَلَك هَي صَان لَاب اَعْفُ سَنَل هَي طَاخ هَبِ ذَاك هَي صَان

«Йўқ! Агар қайтмаса, пешона сочидан шиддат-ла тутамиз! Ёлғончи, хатокор пешона сочидан!» (Алақ сураси, 15-16-оятлар).


Маълумки, ёлғон гапириш учун миянинг олд пешона қисми масъул эканлигидан кўпчилигимиз хабардормиз. Бугунги маълумотимизда бу пешона қисми хато учун жавобгар эканлигини исботладик.

Юқоридаги **هَي طَاخ هَبِ ذَاك هَي صَان**

«Ёлғончи, хатокор пешона сочидан!» оятида олимлар яқинда кашф этган илмий мўъжиза мавжуд.



Тадқиқотчиларнинг тасдиқлашича, инсоннинг ҳар қандай, жумладан, ёлғон гапириши, порнографик расм ёки видеони кўриши ёхуд бошқа нотўғри хатти-ҳаракатлари ушбу ҳудуднинг ҳужайраларига, яъни миянинг пешона соҳасига зарар етказишига олиб келади. Шунингдек, бу ҳудуд етакчилик, ижодкорлик ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун жавобгардир. Ёлғон ва хатолар содир этилавергач, ушбу ҳудуд вақт ўтиши билан ёмонлашади, жиддий зарар кўради ва соҳибини фалокатга етаклайди.



Инсон ҳаёти давомида беҳаё фильмлар томоша қилгани, бошқаларга зарар етказгани, ота-онага бўйсунмаслик, қариндошлик ришталарини узиш ёки аёлларга шаҳват билан қараш каби миянинг пешона қисмига салбий таъсир қиладиган, унга зарар берадиган кўплаб хатоларга йўл қўйган бўлиши мумкин. Яъни, бир сўз билан айтганда Аллоҳ таоло рози бўлмайдиган нотўғри амаллар қилган бўлиши мумкин. Шундай экан, миямизнинг бу олд қисмини хатолардан тозалаш йўли борми?, деган савол туғилади кишида. Ҳа, бунга аниқ жавоб бор. Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари бўлиб, дард, ғам ва ғам-ғуссаларга шифо бўладиган дуодир.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимга ғам-ташвиш етса, ушбу калималар билан дуо қилсин, деганларида, бир киши: «Эй Расулуллоҳ, мана шу калималардан бебаҳра қолган киши хасоратдами» деди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», деб жавоб бердилар. Сўнгра, «Бу калималарни ўзинглар айтиб, бошқаларга ҳам ўргатинглар. Ким бир нарса талабида ана шу калималарни айтса, Аллоҳ ундан хафаликни кетказиб, хурсандчилигини зиёда қилади», деб ўша калималарни айтдилар:

كُذِّبَ عُنْ نُبَا كُذِّبَ عِيْنِ اِمْمِ هَلَلِ ا  
كُذِّبَ بِي تَيِّبِ صَانِ كُتِّمَ اُنْبَا  
يُفُودَعُ كُمْ كُحِّي فِضَامِ  
مُسَالُكِبِ كُلِّ اَسَا كُؤَا ضَقِ  
وَأَكْسُفَنِ هِبَتِي مَسْ كَلِ وَه  
وَأَكْبَاتِكِ يَفُؤْتَلَزْنَ ا  
وَأَكِقْلَخُ نِمَ اَدْحَا هَتْمَلَعِ  
مُلَعِي فِ هِبَتِ رَثَاتِ سَا  
لَعَجَتُ نَأْ كُذْنَعِ بِي غَلَا  
عِي بَرَوِي رَدَّصِ رُونِ نَأْرُقَلَا

# بَاءَهُ دَوِي نَزْحَ ءَالَجِّ وَي بَلَقِ ي م ه

«Аллоҳумма инний ʔабдука, ибну ʔабдика, ибну аматика, насийатий бийадик, мазин фиййа ҳукмук, ʔадлун фиййа қозоук, ас`алука бикулли исмин ҳува лака саммайта биҳи нафсака ав анзалтаҳу фи китабика ав ʔалламтаҳу аҳадан мин холқиқа ав иста`сарта биҳи фий ʔилмил ғойби ʔиндака ан тажʔалал Қурʔана нуру содрий ва робийʔа қолбий ва жилаа ҳузний ва заҳаба ҳаммий».

**Маъноси:** Мен Сенинг қулингман, қулингнинг ўғлиман, чўрингнинг зурриётиман. Пешонам Сенинг қўлингда. Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Сенинг ҳукминг одилдир. Ўзингни номлаган ёки китобингда нозил қилган ёки халқингдан бирор кишига ўргатган ёки ғайб илмингда сақлаб қўйган исмларинг ила сўрайманки, Қурʔонни дилимнинг нури, қалбимнинг баҳори, маҳзунлигимни аритувчи ва ғамимни кеткизувчи қил.

*Ибн Сунний ривоятлари.*

Азизлар, ушбу дуони ёдлаб олишни ва ҳар куни такрорлашни одат қилинг! Шунда сиз илгари ҳеч қачон ҳис қилмаган бахтни ҳис қиласиз. Аллоҳ таолодан бизни яхшиликка ҳидоят қилишини сўраймиз.

**Абдуддоим Каҳел мақоласи.**

**Нозимжон Ҳошимжон таржимаси.**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.